

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 247 (503), 2021 йил 8 декабрь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



**Қадри ватандошлар!**  
Авалло, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қутлуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимлари кенг миқёсда ўтказилиши, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шукҳ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Муқтарам дўстлар!  
Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзари бундай бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва оқчилик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш гоёсига содиқ қолиб, шу йўлда кенг кўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.

Авалло, **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”** деган конституциявий қондан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятини мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдига ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида оқчилик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қуйи бўйинга, маҳалла даражасига тушиб,

аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Муҳим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги босқичга кўтарилмоқда.

Юрдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудига эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шугулланиш, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айниқса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз хорижда яшаётган юрдошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хондонбай” ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижаларини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муқтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қо-

нуний чоралар кўрилаётгани ҳам шундан далolat беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимига тўб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, худди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри кўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асосси равишида суддан чакириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асосси қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Шу борадаги ишларимизнинг давомий сифатида Конституция кунини арасида яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра, шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттираемиз.

Авалло, Стратегияда белгилаган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, демократик янгиликларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, худдларни ривожлантиришда маҳаллий кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий макomini аниқ белгилаш, илҳам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмайдиган пенсия тайинлашда инобатга олинмайдиган бўлиб келди. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молжавий муҳтожлик туфайли тақдоран жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилган бўлур эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қўмақлаштириш учун “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизмати ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилди.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттираемиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустаҳкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олдидан бўлиб ўтган учрашуларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган тақлифларда ана шу масала алоҳида қайд этилгани конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яқол намоен бўлади.

**Биринчидан**, илгари амал қилиб келган **“давлат — жамият — инсон”** тамойилини **“инсон — жамият — давлат”** деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарур.

**Иккинчидан**, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу — халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

**Учинчидан**, **“Жамият — ислохотлар ташаббускори”** деган эзгу гоё доирасида Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва макomini конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш кун давр талабидир.

**Тўртинчидан**, Бош қомусимизда оила институти ривожлантириш, эзгу инсоний қадрият-

ларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

**Бешинчидан**, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

**Олтинчидан**, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дидил бормоқда. Шу сабабли **“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”** деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди, деб ўйлайман.

**Еттинчидан**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймастик, ноғиронлар, кеҳса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

**Саққизинчидан**, ҳозирги вақтда қўллаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

**Тўққизинчидан**, Учтинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқаси бўлиши боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек гоёт муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Олий Мажлис палаталари, ҳурматли депутат ва сенаторларимиз, муқтарам нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдирадиган, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчилнинг **“Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхисини бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”**, деган сўзларига, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно мужассам.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонага мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган тақлифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжати 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланганидан кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва қадрили ватандошлар!

Мана шу улуг айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортага қайтмайди.**

Янги Ўзбекистон гоёси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуг мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидоқорона меҳнат қилсак, кўзалар юксак марраларимизга албатта етиламиз.

Ишончим қомил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин гоёт қийин ва мураккаб, огир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайдим.

Барчамизга ана шундай буюк бахт ва шараф ёр бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададор бўлсин!

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция кунини билан яна бир бор чин дилдан табриқлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хондонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барокка тилаймиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фийоннуала Ни Аолайинни қабул қилди.

Етакчи халқаро тузилманинг юқори даражали вакили давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббус ва тақлифларни амалга ошириш доирасида мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турибди.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари соҳасида, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши кураш борасидаги долзарб кун тартиби юзасидан оқиқ ва конструктив мулоқотни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик самарали тус олгани, мамлакатимиз ушбу муҳим йўналишларда катта муваффақиётларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг (ИҲҚ) тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, унинг ишида фаол иштирок этмоқда. Келгуси йилда Ўзбекистон томони ушбу иختисослаштирилган институтнинг раҳбарлик органларида вакиллик қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия доирасида юртимизда гендер тенглик, сўз ва дин эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар фаол амалга оширилмоқда.

БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Ўзбекистон ташаббуси билан

ИҲҚнинг пандемия даврида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди, тегишли конвенция ишлаб чиқилмоқда.

Ҳавфсизлик соҳасида қатор асосий қонунлар қабул қилинган, яқинда беш йилга мўлжалланган Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича стратегия тасдиқланди.

Махсус маърузачи Ўзбекистоннинг “Мехр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, репатриация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади. Терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги янги ёндашулар алоҳида қайд этилди.

Суҳбат чоғида яқин ҳамкорликни, энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ўрнини кучайтириш, қонунчилигини такомиллаштириш ва бошқа йўналишлар бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда техник қўмак ва ёрдамни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган қўшма халқаро тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

ЎзА

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманитарistik сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонини имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **182** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди,

**108** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **8** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **63** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **6** нафарини чет эл фуқаролари, **6** нафарини **60** ёшдан ошган шахслар, **9** нафарини аёл ҳамда **25** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этиди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва ақинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдаланиш билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.



# 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



## БМТ МУТАХАССИСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “МЕХР” ОПЕРАЦИЯСИ ДОИРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши халқимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Ўтган давр мобайнида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантириш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биносида 7 декабрь кuni мазкур халқаро ташкилотнинг терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн билан оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

# КОНСТИТУЦИЯ — ТИНЧ, ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



**Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,**  
Конституциявий суд раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

### Тарихга бир назар

1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори билан янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раислигида давлат ва жамоат аъзолари, депутатлар, етук мутахассислардан иборат конституциявий комиссия сайланди. Ушбу комиссия аъзолари Конституция лойиҳасини тайёрлашга киришди.

Комиссия ишида ўша вақтда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Олий Кенгаш мандат комиссияси раиси сифатида фаолият юритган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Бош қонунимизни яратиш ва қабул қилишдек мураккаб жараёнда кечган қизғин тортишув ва баҳс-мунозараларда ўзининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашди.

Конституциявий комиссияга ёрдам бериш мақсадида Конституциянинг олти балими бўйича тегишли ишчи гуруҳлар тузилган. Мен ҳуқуқшунос сифатида Конституциямизнинг “Давлат тузилиши” бўлими бўйича Акмал Саидов раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳда фаолият юритган эдим. Барча ишчи гуруҳлар фаолияти конституциявий комиссия ва Адлия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиб турилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва уни муҳокама қилишда Шавкат Ўразаев, Анвар Аъзамхўжаев, Ҳожақабар Раҳмонкулов каби атоқли ҳуқуқшунос олимлар фаол иштирок этган.

Тақомилига етказилган Конституция лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамага қўйилиб, кўпчиликнинг тақлифи олинди. Масалан, республика матбуотининг ўзида фақат 1 октябрдан 11 ноябргача бўлган даврда Конституция лойиҳасига бағишланган юзга яқин мақола эълон қилиниб, уларда 511 та тақлиф ва мулоҳаза баён этилган эди. Конституциявий комиссияга бу борада мингдан ортиқ тақлиф ва фикр-мулоҳаза билдирилган ва 400 тадан зиёд хат келиб тушган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1793 та тақлиф ва тавсия олинди. Фуқаролар билдирган тақлифларнинг жами сони 6 мингтадан ошиб кетди. Тақлиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси конституциявий комиссия томонидан пухта ўрганилди ҳамда лойиҳа устидаги ишларни давом эттириш чоғида фойдаланилди. Натияжада эллидан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди. Келиб тушган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Конституция лойиҳаси матбуотда иккинчи марта эълон қилинди.

Конституция лойиҳаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда тантанали вазиятда очилган сессиясида ҳам батафсил муҳокама қилинган эди.

Кўрсатилган маълумотлар ва муҳокамалар миллий Конституциямизни қабул қилишда умумхалқ фикрига, конституциявий комиссия аъзолари, депутатлар, кичик ишчи гуруҳларда

фаолият юритган мутахассислар ва бошқалар фикрига асосланганидан ёркин далolat беради. Шунинг учун ҳам нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ва таҳлилчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ва умумэтироф этилган демократик принциплар ўз аксини топганини алоҳида таъкидлайдилар. Бу жараёнлар ўзбек халқи тарихида, Ўзбекистон ҳаётида биринчи марта замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинган ва давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор тоғини ҳамда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилганидан далolat эди.

Албатта, ҳар қандай Конституция мамлакатнинг асосий қонуни сифатида барқарор, стратегик характерга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, у қотиб қолган, ўзгармас ҳужжат эмас. Ижтимоий ҳаёт ривожланар экан, уни тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг асосийси — Конституция ҳам ўзгариши мумкин. Бинобарин, Конституциямизга ҳаёт тақозоси билан бир неча марта кўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Ўзбекистоннинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимдаги нутқида барча номзодларнинг сайловли учрашувларида электротар вакиллари томонидан бугунги кунда

уйлаб кўриш кераклигини қайд этди. Бундан ташқари, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш муҳим вазифа экани ҳам ўқитиб ўтилди. Булар бошқа муҳим масалалар қаторида Конституциямизга тегишли ўзгариш киритишни тақозо этади.

### Конституциянинг устуворлиги

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда замонавий муносабатлар, янги имконият ва янги қадриятлар шаклланаётганига халқимиз гувоҳ бўлиб турибди. Бир қатор фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий қўнимчалар қаторида “қонун устуворлиги” принципи ҳам реал воқеликка айланмоқда. Қонун устуворлиги, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши демакдир.

Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясида ушбу соҳадаги энг устувор вазифа — Ўзбекистоннинг дунёдаги “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторига киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга ишончини оширишдан иборат.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини содда-лаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш назарда тутилган вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги конституциявий қонун қабул қилинди.

### Янги қонун — янги имкониятлар

Янги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширишда муҳим омил бўлади. Қонунга биноан, фуқаролар ва юридик шахсларга қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Бу янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва унинг мустақиллигини амалда таъминлашга йўналтирилган тизимли ислохотлар бераётган юксак самаралардан биридир.



**“ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАДИ. ҚОНУНГА БИНОАН, ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ҚОНУНЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯГА МУВОФИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШНИ СЎРАБ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛДИ. БУ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОХОТЛАР БЕРАЁТГАН ЮКСАК САМАРАЛАРДАН БИРИДИР.**

ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиси талаб этаётган яна бир муҳим тақлифни илгари сурди. У мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Дунё таърибисидда туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар ўтказилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий таърибисини ўрганиб, пухта уйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни тақомиллаштириш масаласини ҳам қўриб чиқишимиз кераклиги таъкидланиб маросимда.

Президентимиз Янги Ўзбекистон стратегиясида давлат бошқаруви самарадорлиги соҳасидаги устувор вазифаларни белгилаб берадиган экан, улардан бири сифатида “сайловларнинг пропорционал тизимига” ўтиш билан боғлиқ ислохотлар тўғрисида

Мамлакатимизда Конституция устуворлигига эришиш, Конституция нормаларига оғишмай риоя қилиш доимий эътиборда. Бу эса муайян жиҳатдан Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат фаолиятининг самарали амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда конституциявий одил судлов миллий ҳуқуқий тизимда нисбатан янги ва ривожланаётган йўналишидир. Янги йўналишининг ривожланиши эса бир текисда кечмайди.

Янги Ўзбекистон шароитида конституциявий назорат институтини қучайтириш, уни амалга ошириш механизмларини тақомиллаштиришни тақозо қилувчи ўз ечимини кутаётган муаммолар йиғилиб қолган эди. Чунки, Конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий механизмида қонун билан тартибга солишга, конституциявий шикоят институтини жорий этишга эҳтиёж сезилаётганлиги.

лиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Улар сафига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонунчи манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил киритилди.

Қонунда, шунингдек, Конституциявий суднинг ваколатлари, Конституциявий суд судьясининг мақоми, конституциявий суд ишларини юритиш тартиби, Конституциявий судга мурожаат қилиш, уларни қўриб чиқиш тартиби аниқ белгилаб берилди.

Шубҳасиз, мазкур янгиланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада ошириш, мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Шу кунларда қабул қилинганлигининг 29 йиллик байрами кенг нишонланаётган Конституциямиз ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ва тизимли кечаётган демократик ислохотларнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси, халқимизнинг миллий манфаатлари, тинч-осуда ва фаровон ҳаёти таъминланишининг, мамлакатимизнинг халқаро микросоҳадаги муносиб ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ни Аолайн хоним Ўзбекистон ҳуқуқ-маданияти Сурия, Ироқ ва Афғонистондан аёллар ва болаларни қайтариш ва уларни реинтеграциялаш иши бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларини юксак баҳолади.

Хусусан, 2019 йил май ойидан бошлаб юзлаб жабрдийдаларни жанг майдонидан олиб чиқиш ва реинтеграция қилишга қаратилган “Мехр” операцияси доирасидаги саъй-ҳаракатлар хар қанча тахсинга сазовор эканини алоҳида қайд этди.

— Ўн кунлик таширфим давомида Ўзбекистоннинг деярли, барча ҳудудини бориб кўрдим, тўртта қамқонхонада бўлдим, фуқаролик жамияти тузилмалари вакиллари билан учрашдим, жамоатчилик, оддий фуқаролар билан мулоқот қилдим, — деди инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис Фионнуала Ни Аолайн хоним. — Оила бирлиги ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган ўзбек модели репатриация қилиш, бола манфаатини кўзлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий воситалар, ҳаракатлар орқали оловли ҳудуддан қайтган аёлларни самарали реинтеграция қилиш бўйича энг яхши амалиётнинг намунаси.

Сурия шимолий-шарқидидаги лагерларда минглаб аёллар ва болалар ўзбошимчилик билан ҳибсга олинган. БМТ мутахассислари яшаш шароити ва муомала масаласида улар ўз-ўзларини, инсон эксплуатацияси, таҳқир

ва маҳрумликка дучор эканини айтишмоқда. Бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимоясиз қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, гайринсоний, кадр-қимматли камситувчи муносабатга дучор қилиш ёхуд жазога тортишга тенглашди.

Ни Аолайн Ўзбекистоннинг стигматизацияни бартараф этиш, асосий ҳуқуқ, жумладан, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқни таъминлашга қаратилган амалий чораларини юқори баҳолади. Ҳукуматимизнинг ЮНИСЕФ ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа ташкилотлари, хусусан, Олий комиссар идораси билан самарали ҳамкорлигига алоҳида ургу берди.

— Репатриация ва реинтеграциянинг ўзбек модели бошқа ҳукуматлар ўз фуқароларини оловли ҳудудлардан қайтариши учун йўл харитаси сифатида хизмат қилади, — дея таъкидларкан, Махсус маърузачи мамлакатимизда мазкур тадбир самарали, инсоний ва инсон ҳуқуқларига мос тарзда амалга оширилганини эътироф этди. БМТ мутахассиси бошқа ҳукуматларни Ўзбекистондан ўрнак олишга қаққирди.

Учрашув сўнгига Фионнуала Ни Аолайн журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА муҳбири

### МУНОСАБАТ

## МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

**Абдулла РЎЗМЕТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирига яқин қардош, асрлар давомида саналган шериклардир. Бу икки халқ бир заминда, бир қуёш остида ўзаро дўст бўлиб яшаб келмоқда ва илдишлари ҳам бир.

Кейинги йилларда ана шу дўстона муносабат, яқин қўшничилик стратегик шериклик руҳида изчил ривожланмоқда. Ўзаро яқин алоқалар, икки томонлама очик мулоқот бугунги глобал дунёда янги кўринишларда давом этмоқда. Муносабатларнинг турли соҳаларда фаоллашгани эзгу мақсад — минтақа халқларининг янада яқинлашишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5-6 декабрь кунлари Қозғистон Республикасига амалга оширган давлат таширфи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқни янги даражага олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчилиги муносабатлари даражасига кўтарилгани, бу биродар халқларимизнинг узок муддатли манфаатларидан келиб чиқиб, уларга тўлиқ мос эканини алоҳида қайд этди.

**Икки давлатни қўллаб ўзаро манфаатлар бoғлаб туради. Халқаро сиёсий масалаларда ҳам улар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатларимиз икки томонлама ва БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Орolni кутқариш халқаро жамғармаси каби қатор нуфузли тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қиляпти.**

Бу иқтисодий ҳамкорликда ҳам яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон ва Қозғистон иқтисодий рақобат қилмайди, балки бир-бирини тўлдириб туради.

Муштақил тараққиёт йўлини бир даврда бошлаган икки халқ иқтисодийни қайта тиклаш ва ривожлантириш йўлида бир-бирига елкадош бўлиб келмоқда. Буни кейинги йилларда иқтисодийнинг деярли барча тармоқларида қўшма қорхона ва лойиҳалар сони 6 баробар ошиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани мисолида ҳам қўриш мумкин. Автомобиль ва темир йўллари орқали юк ташиш ҳамжамлари ошиб борапти, авиақатновлар тўлиқ қайта тикланиб, янги йўналишлар очилмоқда.

Хусусан, Қўстанай шаҳрида автомобиль, автобус ва қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқариш йўлга

қўйилгани, Туркистон ва Чимкентда эса замонавий тўқимачилик ва маийший техник қорхоналар ишга туширилгани мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтармоқда. Ўзбекистонда қозғистонлик ҳамкорлар билан бир-бирига энергетика, кимё, озиқ-овқат тармоқлари, қурилиш соҳасида қатор лойиҳалар амалга оширилляпти. Натияжада жорий йилда икки давлат ўртасида ўзаро савдо ҳажми қарий 40 фоиз ошди, йил сўнгига қадар товар айирбошлаш рекорд даража — 4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Бу кўрсаткични келгуси йилда 5 миллиардга, узок муддатли истиқболда эса 10 миллиардга етказиш мақсад қилинган.

Таширф доирасида ўтказилган иш-билармонлик тадбирлари якунида қиймати 6 миллиард долларга яқин янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди. Очигини айтиш керак, бундай кўрсаткичлар аввал бўлмаган. Шу жиҳатдан, эришилган келишувлар истиқболга яхши замин яратди, деийшга асослар етарли.

Яна бир жиҳати — учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босиш орқали зарур маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш номенклатураси ва ҳажмини салмоқли даражада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Товар айирбошлаш миқдори жадал суръатда ошаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Музокаралар чоғида икки томонлама ҳамкорлиқнинг янги “ўсиш нуқталари”, устувор йўналишлари ва муҳим вазифаларни белгилаб олинди. Топонлар иқтисодийнинг турли соҳаларида янги қўшма қорхоналар ташкил этиш орқали ўзаро манфаатли шериклини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлашлар. Инвестицияларни жалб қилиш, саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қурилиш соҳалари устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Умуман, икки дўст мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишончли ва конструктив мулоқот тусига кирган. Ўзбекистон ва Қозғистон муносабатлари янги поғонага кўтарилгани икки қардош халқнинг узок муддатли манфаатларига тўла мос келади. Таширф доирасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди, унинг янги уфқларини белгилаб берди.



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БОШ ҚОНУН — ХАЛҚЧИЛ ВА ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ ИШОНЧЛИ АСОСИ



Адҳам БЕКМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори

мақсади адолатли давлат барпо этиш, халқимизга фаровон ҳаёт, инсон эркинлиги, хавфсизлиги, қадри учун муносиб шароит яратишдан иборатдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларда кўп ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамиятимизда шаклланаётган ишчан тадбиркорлик тизими билан бир қаторда фуқароларимиз сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатиш мумкин. Яъни сўз эркинлиги кафолатлари кучайтирилиши замирида фуқаролар онгиде давлат бошқарувига нисбатан янгича муносабат шаклланди. Халқимизнинг давлат ва жамият ишларига дахлдорлиги ошди. Бу эса, давлат бошқарувини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, давлат ва жамият институтлари ўртасида конструктив ҳамкорлик муҳитини шакллантиришни талаб этади.

Фаол ислохотлар ва юксалишларни янги босқичда давом эттириш мақсадида давлат ва жамият бошқарувини ривожлантириш йўналишида куйидаги муҳим вазифалар белгилан олди.

Биринчидан, ислохотлар самараси фақат марказда эмас, ҳар бир ҳудуд ва маҳаллаларда намоён бўлиши керак. Бунинг учун маҳаллий бошқарув органларининг ваколат ва масъулиятини ошириш зарур. Шу боис, келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилиши белгиланди. Ушбу тажриба ривожланган давлатлар амалиётида ўзини оқлаган бўлиб, маҳаллий бошқарув органларига кенг ҳуқуқларни тақдим этган. Бу эса, ўз ўрнида, ортқича бюрократия ва сансалорлигининг олдини олади. Шунингдек, ҳудудлардаги маҳаллий органларни "ўз араваси"ни ўзи тортишга, мустақиллик ва ташаббускорликка ундайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида янги институтларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этди. Шу боис, янги бошқарув институти сифатида ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Ушбу институт "маҳаллабаи" ишлаш тизимини қўллаб-қувватлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлашга шароит яратиб, муаммоларни маҳаллаларда ҳал этишга имкон беради.

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ёшлар муаммоларини тизимли ҳал қилишга қўмақлашадиган Ёшлар ишлари агентлиги вакили ҳам маҳаллаларга бириктирилди.

Этиборга молик ўзгаришлардан яна бири — маҳаллий ҳокимият ва маҳалланинг молиявий асослари кучайтирилмоқда. Шу мақсадда ҳокимликлар ва маҳаллалар учун қўшимча даромад манбалари яратилиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилди.

Иккинчидан, марказий давлат бошқаруви органлари фаолияти такомиллаштирилди. Бунинг учун марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган илҳам ва самарали бошқарув тизими яратилди. Шунингдек, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби, уларни бир-биридан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузилма ва шатларини белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилди. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни бажараётган идоралар оптималлаштирилди.

Шу вақтгача, асосан, субъектив ёндашуларга таянган айрим марказий органлар ва ҳудудлар ўртасидаги бюрократик бошқарув тизими ислох этилиб, уларнинг ўртасидаги ваколатлар аниқлаштирилди. Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди. Бу эса вазирликлар ҳудудлардаги муаммоларни тезкор ҳал қилишга имкон беради.

Президентимизнинг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида мамлакатда концептуал жиҳатдан янгича бошқарув моделини шакллантиришнинг асосий йўналишлари кўзда тутилди. Албатта, бу жараёнларда, аввало, давлат бошқаруви тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан самарали ташкил этиш бўйича вазифалар алоҳида ўринга эга бўлмоқда.

Бу борада давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун талабларига қатъий риоя этишга қаратилган ҳуқуқий воситалар ва технологияларни самарали қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Боиси, концепцияда қайд этилган салбий ҳолатлар — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, бюрократия ва коррупцияни, авваломбор, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини амалда ва сузусиз таъминлаш орқали йўқ қилиш мумкин.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг замонавий механизми сифатида "электрон ҳуқуқат" тизими ва янги ташкил этиладиган институционал тузилмаларни алоҳида қайд этиш ўринли. Ҳозир "электрон ҳуқуқат" тизимини ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки давлат хизматлари интерактив шаклда кўрсатилиши қўллаб-қувватланадиган алоҳида алоҳида қайд этилади.

Юртимизда давлат бошқарувини рақамлаштириш, давлат хизматларини қўраш қўлама кенгайтириш мақсадида 2017 йил 12 декабрда Президентимизнинг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари — Давлат хизматлари марказлари ташкил қилинди.

Ҳозирги вақтда 206 та Давлат хизматлари маркази барча туман ва шаҳарда фаолият юритгани ҳолда 160 дан ортқиқ давлат хизматини кўрсатмоқда. Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат



бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва махсус "йўл харитаси" асосида яна 100 дан ортқиқ давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органи фаолияти қайта қўриб чиқилди.

Утган қисқа вақт ичида Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида бир қанча вазирлик ва идоралар фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифалари ва функциялари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилди. Маҳаллий ҳокимликлар моддий-техник таъминоти ва ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш тизими қайта қўриб чиқилиб, ҳокимларнинг кадрлари жой-жойига қўйиладиган шакллантириш ва уларни бошқариш бўйича маҳаллий органлар мустақиллигини амалда таъминлаш чоралари қўрилди.

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди. Шу мақсадда аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича "маҳалла — сектор — ҳалқ қабулхонаси — маҳалла" ҳамкорлик тизими жорий қилинди.

Туртинчидан, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат кадрлар сиёсати механизмининг модернизация қилиш ишлари давом эттирилди. Шу мақсадда кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорлигини баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Этиборга молик ўзгаришлардан бири — давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашга қаратилган замонавий механизмлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу эса фуқароларнинг давлат органлари ва давлат хизматчиларига ишонч шаклланишига, уларнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо беришга шароит яратди. Давлатимиз раҳбари бундан буён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармоқ фаолияти уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлат органларининг устувор вазифаси фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлашдир.

Президентимиз "Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилалар, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак", деган ғояни илгари суриши давлат хизматчиларининг масъулиятини янада оширади.

Зеро, давлат ҳокимиятининг манбаини халқ ташкил этиб, давлат ва унинг хизматчилари халқ манфаатини қўллаб-қувватлашга қўраштириш зарур.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон стратегиясида халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар нуфузи ва масъулиятини ошириш вазифалари асос этилган. Демократик жамият ва давлатда энг таъсирчан куч вакиллик органларига тегишли бўлмоғи лозим. Шу боис, Президентимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" асосида "Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари — янги Ўзбекистоннинг таянчидир", дея ҳақли таъкидлади.

Келгусида Олий Мажлис палаталари томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ҳам назоратга олинади. Уз навабатида, тармоқлар ва ҳудудларда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўрилади.

Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш йўналишида ишлар давом эттирилади. Этиборлиси, тараққиётимизни тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш, уларнинг иқросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилди. Бинобарин, ҳар қандай ислохот мустаҳкам ва сифатли қонунчиликка таянади. Бу эса қонунчилик тизимини шакллантиришдан унинг иқросига ҳам бўлган жараёни қамраб олишни талаб этади.

Вакиллик органлари тизимида маҳаллий кенгашлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, улар томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноят ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинаётир. Улар томонидан маҳаллий ижроия органлари фаолияти назоратга олиниб, мансабдор шахслар масъулиятини кучайтиришга этибор қаратишмоқда.

Келгусида бу ишлар натижадорлигини ошириш мақсадида Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асослар яратилади. Бу ҳудудий муаммоларнинг тизимли асосда бартараф этилишига хизмат қилади. Айниқса, ҳокимларнинг маҳаллий кенгашларга раислик қилиш ваколати беқор қилиниши давлат ҳокимияти куйи тизимларида ҳам ҳокимиятларнинг ўзаро мувозанати ва тийиб туриш механизмларини рўёбга чиқаради.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилади ҳамда уларни

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА, МАМЛАКАТ ИЖТимоий-СИёсий ҳаётдаги долзарб масалаларни ҳал қилиш, муҳим қарорларни шакллантириш ҳамда қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокини таъминлашга алоҳида этибор қаратилаётгани Ўзбекистон интилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти сари қадамларимиз жадаллашаётганидан далолат.

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари янада такомиллаштирилади. Фуқаролик жамияти институтлари ўз ташаббуслари билан шаклланидиган ва ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ҳисобланади. Бироқ демократик жамиятга ўтиш шароитида бундай институтлар шаклланишига давлатнинг мадади зарур бўлади. Шу боис, давлат фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган 200 дан ортқиқ қонун ҳужжати фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар сон жиҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 9 миндан ортқиқ ННТ мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотнинг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Бу давлат ва жамият ишларини бошқаришда улар билан фаол ҳамкорлик қилишга имконият яратди. Шунингдек, буғунги очиклик шароитида фуқаролик жамияти институтларининг назорат фаолияти ҳам таъсирчан мазмун касб этмоқда.

Айниқса, 2018 йил 13 апрелда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши жамоатчилик назоратининг қўлама ва изчиллигини оширди. Бинобарин, жамиятда фуқаролик жамияти таъминоти ривожлангани сари жамоатчилик назорати учун кенг имкониятлар ва истиқболлар ҳам пайдо бўлади.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги шунданки, фуқаролик жамияти институтлари, бир томондан, давлатнинг мададига эҳтиёж сезади, иккинчи томондан, улар ўзларига мадад бераётган ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилишларига тўри келади. Шу боис, жамоатчилик назорати натижадорлигини ошириш учун давлат томонидан зарур шароитлар ҳам яратилиши зарур.

Бундан буён нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятига оид маълумотларни расмий сайти ва www.e-ngo.uz сайтига ёқи мазкур сайтта ҳавола берган ҳолда бошқа очик ахборот манбаларига жойлаштириши мумкин бўлади. Ушбу маълумотлар ва жамоатчилик томонидан берилган баҳолар асосида ҳар йил якунлари бўйича ННТларнинг очиклик индекси аниқланади. Бунда асосий кўрсаткичлар реал вақт режимида умумлаштириб борилади ва барчангиз танишиши учун имконият яратилади. Очиклик индексининг яқиний натижасини аниқлашда эса давлат ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, жамоатчиликнинг кенг иштироки таъминланади.

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва химоя қилиш, инсон ҳуқуқларини маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу сабабли фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ишлари келгусида ҳам давом эттирилади.

Фуқаролик жамияти ривожланиши учун очиклик ва ошқоралик, фуқаролик жамияти институтларининг ахборот олиш кафолатлари таъминланган бўлиши жоиз. Ушбу вазифа ижроси доирасида амалдаги қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, таҳриратий ҳодимларга босим ва таъйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларини улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни ошириш кўзда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиздаги ҳар бир норма инсон манфаатларини, қолаверса, миллат келажagini мустаҳкамлашга қаратилган. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўлидаги ислохотлар инсон қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу конституциявий ислохотлар натижада давлат бошқаруви самарадорлиги ҳамда жамият ҳаётини янада фаровон қилиш, барча соҳаларда инсон манфаатлари самарали таъминланишига эришилади.

Конституциямиз миллий давлатчилигимиз рамзи сифатида ҳар бир фуқаро, барча халқимиз учун ниҳоятда қадридлир. Бош қонунимиз, айниқса, кейинги йилларда, халқимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, дунёқарашини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Конституциямизнинг ўзига хослиги миллий менталитет, қадриятларимиз ҳисобланган меҳр-шавкат, бағрикенглик, очиклик, маърифат ва илмга интилиш, ор-номус, адолатчилик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат каби олижаноб фазилатларни ўзида ифода этгани билан ҳам намоён бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Конституция ҳақида қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт. Зеро, Конституцияга ҳурмат шахсини бошқарува, давлат ва жамиятга муносабатини шакллантиради. Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир юрtdошимиз Асосий қонунимиз тим-солида ўзлигини, миллий, маънавий қиёфасини, қадриятларимиз ва аъёнларимизни, буғунги ва келажagini кўради.

Конституциямизда инсонни улуғлаш бош мезон сифатида белгиланган. Унинг муқаддимасидаёқ инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, фуқаролар муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби бебаҳо гоёлар ўрин олган.

Халқро экспертлар этифотга этаётган яна бир жиҳат — Конституциямизнинг "Ўзбекистон халқи" дея бошланиши. Шунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятчилигининг ёркин кўзгусидир. Асосий қонунимизнинг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", деб кўрсатилиши халқимизнинг толерантлик аъёнлари ифодасидир.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Шунга мос янги тартибдор, янги қадриятлар, муносабатларнинг янги тизими шаклланимоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йил 6 ноябрь куни Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгусида мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим еттига йўналиши ҳақида ўз гоёларини илгари сурди.

Президентимиз Янги Ўзбекистон стратегиясини эълон қилиши халқимизнинг улкан ривожланишга ишончини янада оширди. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган "Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясини амалга оширишга алоҳида этибор қаратилиши халқимиз дилидаги интилишларни ўзида ифода этади.

Кейинги йилларда халқчил ва демократик таъминлашга асосланган янги Ўзбекистонни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилган ишлар миллий ва халқаро даражада эътирофларга сазовор бўлмоқда. Уз ўрнида, ҳаёт тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этаётган ислохотлар янги босқичда ривожлантирилиши зарур.

Янги Ўзбекистон стратегиясининг биринчи йўналиши эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилиши диққатга сазовор. Чунки мамлакатимиздаги барча ислохотларнинг бош



# 10 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУНИ

## ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУҚАДДАСИР

**6** 2021 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ КУНИ ЖЕНЕВА ШАҲРИДА БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНING 48-СЕССИЯСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ АСОСИДА ЁШЛАРНИING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ТАЪСИРИНИING ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. РЕЗОЛЮЦИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШАББУСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ 2021 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ КУНИ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНING 46-СЕССИЯСИДА ИЛГАРИ СУРГАН.



**Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори**

### Халқаро инсон ҳуқуқлари куни

Инсоният глобал ўзгаришларни бошидан кечираётган ҳозирги шароитда БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмаларининг дунё миқёсидаги аҳамияти ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, “Жаҳон тақдир билан боғлиқ ушбу муҳим жараёнларда айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг етакчилик ролини янги мазмун ва сифат билан давом эттириши зарур. Биз Бош қотибнинг халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятининг самардорлигини ва шафқатлигини оширишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимиз”.

Халқаро ҳамжамият томонидан ҳар йили 10 декабрь санаси Халқаро инсон ҳуқуқлари куни сифатида кенг нишонланиши бежиз эмас. Чунки БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йили айнан шу кундаги резолюциясида мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган ва эълон қилинган.

Мазкур ҳужжатда ҳар бир инсоннинг ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ажралмас ҳуқуқлари эълон қилинган.

1950 йили БМТ томонидан 10 декабрни Инсон ҳуқуқлари куни сифатида нишонлаш белгиланди. Декларация инсонларнинг барчасига бирдек тегишли бўлган ҳуқуқларини ўз ичига олган бўлиб, шу кунгача дунёнинг 500 дан ортиқ тилига таржима қилинган.

Мазкур халқаро ҳужжат ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлиги, мулк, эътиқод ва сўз эркинлигини, фуқаролик, давлат бошқарувида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш, оила, меҳнат ва дам олиш, таълим, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, маданият ва санъат асарларидан баҳра олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Шу билан бирга, 1996 йил 31 октябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ташкил топганига 25 йил тўлди. Ушбу саналар муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ жорий йилнинг 10 ноябрдан — 10 декабрга қадар “Инсон ҳуқуқлари ойлиги”ни эълон қилди.

### Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ташаббуслари — амалда

Ўзбекистон жаҳон минбарларидан илгари сурган халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, бир сўз билан айтганда, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тула рубёбга чиқаришга қаратилгани учун халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу фикримизни 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар асосида кейинги 5 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 5 та резолюцияси қабул қилингани яққол исботлаб турибди.

Бундан биринчиси — БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида қабул қилинган Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш резолюцияси; иккинчиси — давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида илгари сурган Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш резолюцияси; учинчиси — 2018 йил 27 ноябрда Оролбўйи минтақасида учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшариклик Траст жағмарасига асос солинишига хизмат қилган резолюцияси; тўртинчиси — Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва 2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида қабул қилинган Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш махсус резолюцияси;

бешинчиси — 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан қабул қилинган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция.

БМТнинг 75 йиллик бутун тарихи давомида муайян бир шахснинг ташаббуси билан шунча резолюция қабул қилиниши таърифи қузғин эмас. Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Бугунги кунда бу конвенция лойиҳасини тайёрлаш ишлари исчил давом этмоқда.

Пандемия ва унинг бутун жаҳон ҳамжамияти учун, жумладан, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги ноҳуш ижтимоий, иқтисодий ва молиявий оқибатлари бу борада мувофиқлаштирилган глобал жавоб чораларини кўриш, ижтимоий-иқтисодий, илмий, инновацион, технологик ва тиббий салоҳиятини сафарбар этиш зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган Пандемиялар даврида давлатларнинг иқтисодий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди. Ушбу кодексда пандемияларга қарши кураш жараёнидаги халқаро ҳамкорлик бирдамлик, очкилик, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига асосланганини муҳимлиги таъкидланган.

Сўнгги йилларда юртимизда демократик ислохотлар ўтказиш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний устуворлигини таъминлаш борасида исчил ва самардор ишлар қилинди. Ўзбекистон биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоллигига сайлангани бу соҳадаги амалий фаолиятимизнинг юксак эътирофи бўлди.

2021 йил 8 октябрь куни Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессияси доирасида Ўзбекистон ташаббуси асосида Ёшларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги COVID-19 пандемияси таъсиридаги оқибатлари тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон Президенти 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган.

Давлатимиз раҳбари ўша нутқида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Zero, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 48-сессиясида Ўзбекистон қиритган резолюция матни БМТ Кенгашига аъзо барча, яъни 47 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон илгари сурган мазкур халқаро ҳужжат лойиҳасига дунёнинг 37 мамлакатни ҳаммуаллифлик қилди. Бу бир томондан, давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган мазкур умуминсоний муаммо нечоғли долзарблигини яна бир бор яққол намойиш этмоқда. Иккинчи томондан, Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббуслари ва мамлакатимиздаги ислохотлар дастури-

**“ 1950 ЙИЛИ БМТ ТОМОНИДАН 10 ДЕКАБРНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУНИ СИФАТИДА НИШОНЛАШ БЕЛГИЛАНДИ. ДЕКЛАРАЦИЯ ИНСОНЛАРНИING БАРЧАСИГА БИРДЕК ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН БЎЛИБ, ШУ КУНГАЧА ДУНЁНИING 500 ДАН ОРТИҚ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН. МАЗКУР ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТ ҲАР БИР ИНСОННИING ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ, МУЛК, ЭЪТИҚОД ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ, ФУҚАРОЛИК, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚАТНАШИШ, САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ, ОИЛА, МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ, ТАЪЛИМ, ТИББИЙ ВА ИЖТИМОЙИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АСАРЛАРИДАН БАҲРА ОЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.**

ни жаҳон жамоатчилиги кенг қўллаб-қувватлаётганининг ёрқин далояти ҳамдир.

Яқинда Ўзбекистоннинг БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинимаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси ўринбосарлигига сайланди. Ўзбекистон вакили бу юксак лавозимдаги вазифаларини 2022 йилдан бажаришга киришади.

### Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациянинг 10 йиллиги

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим нормалари қўллаб-қувватлашга киритилган. 2011 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинган. Декларацияда белгиланганидек:

биринчидан, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси таълим олиш ва ўқитиш орқали инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга қўллашга қўллашга лозим;

иккинчидан, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга ва таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, кадр-қимматини ҳис этишга, барча кишиларга эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишига, барча миллатлар, ирқий, этник ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш,



бағрикенглик ва дўстликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Декларация аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбияни таъминлаш масъулиятини юклайди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилингунинга қадар, яъни 2004 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури эълон қилинган. Бундан мақсад барча давлат органлари, нодавлат ношарикот ташкилотлар ва бизнес секторидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширишга қўллашга қўллашга лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу дастурнинг қуйидаги учта босқичи амалга оширилди:

биринчи босқич — мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёнини қамради;

иккинчи босқич — олий таълим тизими, шунингдек, ўқитувчи-мураббийлар ва давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланди;

учинчи босқич — оммавий ахборот воситалари вакилларига инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида, жумладан, ушбу йўналишдаги таълимни тақомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинган. Қонунийлик палатаси ва Сенат Кенгашлири томонидан 2019 йил 15 июлда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ижроси юзасидан “йўл харитаси” тасдиқланди.

2020 йил августда БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқлари бағишланган Самарқанд халқаро

форуми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илгари сурган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси доирасида, жумладан, олий ўқув юртлири учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси кўзда тутилган.

Уз навбатига, 2020-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Янги босқич инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурини амалга оширишнинг янги босқичи доирасида:

биринчидан, инклюзив, тинч жамиятни яратишга имкон берадиган тенг ҳуқуқликлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик руҳида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш;

иккинчидан, хотин-қизлар ва болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибидagi “ҳеч кимни ёддан чиқармаслик” мақсадига мувофиқ, аҳолининг заиф қатламлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш;

учинчидан, педагог кадрлар, шу жумладан, болалар ва ёшлар билан ишловчи тарбиячилар учун

### Экология ва инсон ҳуқуқлари

Бугунги кунда экологик таҳдидлар, бир томондан, ҳозирги даврга хос глобал хатарлар ҳисобланади, иккинчи томондан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жиддий муаммолар қаторига қиради. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ўз тарихида илк бор мусоффо, соғлом ва барқарор атроф-муҳит — бу инсон ҳуқуқларининг узвий қисми, деб эътироф этгани ҳамда бу соҳада махсус маърузачи мақомида таъсис қилгани ҳудди шу омиллар билан изоҳланади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессиясида сўзга чиққан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мишель Бачелет асосли равишда сайёравий қўламдаги учта таҳдидни санаб ўтди. Булар иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиатнинг бузилиши бўлиб, ҳозирги даврда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг жиддий муаммолардир.

Глобал офатга айланган COVID-19 пандемияси дунё давлатларининг табиатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги кўп томонлама шартнома ва битимлар, жумладан, 2030 йилгача даврга кун тартиби, Париж битими қаби ўзаро қелишувларда зиммасига олган мажбуриятлари бажарилишига жиддий ҳалал берди. Аксарият мамлакатларда ушбу йўналишдаги вазифаларнинг молиялаштирилиши ва бажарилиши зарур даражада таъминланмапти.

Марказий Осиё мамлакатларига келса, минтақамиз ҳам иқлим ўзгаришлари ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари олдида заиф экани сезилди. Ҳозирги вақтда сув тақчиллиги экин суғориш имкониятларини чеklangмоқда, оқибатда бўлажак ҳосил бой берилмоқда. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишини хавф остига қўймоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида ушбу йўналишда илгари сурган қуйидаги янги ташаббусларга тўхталиш жоиз:

биринчи ташаббус — Ўзбекистон 2022 йилда Оролбўйи ҳудудида, яъни Нукус шаҳрида “яшил” энергетика бўйича БМТ билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро форум ўтказиш;

иккинчи ташаббус — мамлакатимиз Биохилма-хиллик бўйича глобал ҳадли дастурнинг яқин истиқболда қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш ва келгусида Биохилма-хиллик конвенцияси иштирокчилари йилги ишларидан бирини ўз ҳудудида қабул қилишга тайёр;

учинчи ташаббус — БМТ шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳофиза қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда БМТнинг атроф-муҳит бўйича юқори даражадаги олтинчи ассамблеясини ўтказиш таклиф қилинди;

тўртинчи ташаббус — ана шу ассамблеяда БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Жаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш мўлжалланмоқда.

Шу янгиланишлар талабидан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси доирасида Экология кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан тақдирланган фаоллар сафи жорий йилда “Экология ҳуқуқи ҳимоячиси” номинацияси ғолиблари ҳисобига кенгайтирилди.

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси минбаридан Тошкент шаҳрида пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодийётини қайта тиклаш муаммоларини урганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илгор тажрибаларни ҳаётга табиқ этишга бағишланган халқаро конференция ўтказиш ҳамда қадимий Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этиш таклифларини ҳам билдирганини таъкидлаш лозим.

### Миллий марказ — 25 ёшда

Конституциямизнинг 93-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг кафилидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ана шу конституциявий қарор доирасида 1996 йил 31 октябрда ташкил этилган.

2018 йил 10 декабрда — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги нишонланган кунда давлатимиз раҳбари “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу қарор инсон ҳуқуқлари доир маърузаларни тайёрлаш бўйича миллий механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини амалга ошириш борасида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг қачирғига муносиб жавоб бўлди.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органидир. Миллий марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқланди. Миллий стратегия ижросини таъминлашга қаратилган “йўл харитаси” 78 та банддан иборат бўлиб, 2020-2025 йилларда амалга оширилиши белгиланган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўлишларини, камчиликларни бартаараф этиш йўллари очик-ойдин кўрсатилган. Мазкур дастурий ҳужжат ижроси ва мониторинги учун Миллий марказ бевоқиф маъсул ҳисобланади.

Мамлакатимиз қўшилган халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда. Утган даврда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича мажбуриятлари бажарилиши юзасидан БМТнинг устас ва шартнома органларига 41 та миллий маъруза тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан янгиланишлар даврида, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш билан ҳам вазифалар қўни яққол ҳақиқат. Zero, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш — бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш улуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз ҳуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар таърифи ҳам шундан далолат беради”.



ЯНГИ ТИЗИМ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

ИСЛОҲОТЛАРГА ҚАНОТ БЎЛУВЧИ ТАШАББУС

Худойберди КАРИМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Сўнгги йилларда тилимиз хазинасига "маҳаллабай" сўзи кириб келди. Унинг ортдан "хонадонбай", "фуқаробай", "ўсиш нуқталари", "фаолият йўлаклари", "маҳаллабай ишлаш тизими" иборалари ишлатила бошланди. Бугун барчамиз ушбу сўз ва иборалар замирида жамиятнинг биринчи ва асосий бўлини бўлган қишлоқ, овул ва маҳаллалар раванқига эришиш, уларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашдек эзгу ният ётганини англаб етдик.

Иш юритишнинг "маҳаллабай" тизими жорий этилиши натижасида худудларнинг шу пайтгача эътибордан четда бўлган "ўсиш нуқталари" жонланиб, фуқаролар даромади ошяпти, ишсизлик даражаси пасайиб бормоқда. Энг муҳими, одамларимиз онгидаги боқимандалик, "нима бўлса бўлар" қабилидаги кайфият барҳам топаёттир. Уларда ишлашга, ташаббуслар билан чиқишга, ҳалол меҳнатига яраша даромад олиш истаги кучаймоқда.

Хуллас, бу борада эришилган натижалар чакки эмас. Аммо дастлабки ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик, аксинча, уларга таянган ҳолда яна ҳам юксак марраларга интилиш зарур бўлади. "Маҳаллабай" ишлаш тизимини ривожлантириш, уни яна ҳам юқори босқичга олиб чиқиш йўлида янги, истиқболли йўллар, усуллар қидирилаётгани шундан. Жумладан, барча муаммо ва масалаларни маҳаллаларнинг бевосита ичидан турган ҳолда ҳал қилишга қаратилган янги тизим — ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилаётгани бу сўзларимизга яна бир мисол.

Президентимизнинг "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги фармонида кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада туман ва шаҳар ҳокимининг тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими таъсис этилади.

Ушбу ҳужжатга асосан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти негизда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини

таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ҳоким ёрдамчиларининг ойлик иш ҳақи миқдори улар бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига қараб белгиланиши кўрсатилган.

Масалан, хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари миқдоридан (4 миллион 932 минг сўм), хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6,5 баравари миқдоридан (5 миллион 343 минг сўм), хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баравари миқдоридан (5 миллион 754 минг сўм) тўланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиларига тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори номзоднинг ушбу лавозимга ишга қабул қилинганга қадар аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлса, етишмаган қисми Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиб борилади.

Бугунги кунга келиб, республикамиз худудлари орасида биринчи бўлиб Жиззах вилоятида шу институт тўлиқ амалиётга татбиқ этилди. Қисқа муддат ичидан воҳадаги 298 та маҳалланинг барчасида ҳоким ёрдамчилари фаолият бошлади.

Ҳоким ёрдамчиси институти худудларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, тадбиркорларни маънавий, моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш, улар ёрдамида янги иш ўринлари яратиш, охири-оқибатда камбағалликни қисқартириш борасидаги масъулиятни ўз зиммасига олади. Янги тизим натижасида маҳаллий бошқарув органларининг жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаши, ҳал этиши осонлашиб, тезлашади. Президентимиз таъкидлаганидек, "давлат бошқаруви функцияларининг катта қисми марказдан худудларга кўчади". Яна ҳам оддийроқ айтганда, ислоҳот ва ташаббуслар қуйидан — хонадонлар, маҳаллалардан бошланади.

— Президентимиз топшириғига биноан тажриба тарикасида Жиззах маҳаллаларига шижоатли, янгиликка чанқок ёшлар орасидан ҳоким ёрдамчилари тайинланди, — дейди вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Абдували Мустанов. — Келгуси беш йилда воҳамизда 50 минг нафардан зиёд ёш тадбиркорликка жалб қилинади. Шунингдек, 28 минг йигит-қиз талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитилди. Бу борадаги ишлар учун йилга 50 миллиард сўмдан маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун жами 1 триллион сўм кредит ажратилиши, натижада 26 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши, 15 та ёшлар санаят ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилиши, уларда тадбиркорларнинг 840 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Маҳаллалардаги асосий ислохотчи бўлиши кутилаётган, ўз бюджети, ўзига яраша ваколат, имтиёз ва имкониятларга эга бўладиган ҳоким ёрдамчилари республика махсус комиссияси томонидан жиддий синов натижасида саралаб олинди. Янги лавозимга 632 нафар номзод тавсия қилиниб, уларнинг 597 нафари билан сўхбат ўтказилди.

Мулоқотларда биринчи галда номзодларнинг иқтисодий салоҳиятига, шунингдек, бошқа соҳаларда тўплаган тажрибаси, билим даражасига эътибор қаратилди. Ўз худуди учун жон куйдирадиган, одамлар билан тил топа оладиган, ишнинг кўзини биладиган, дунёқараш кенг ёшлар ўзларини кўрсатди. Шундан кейингина номзодларнинг 298 нафари масъулиятли ишга муносиб деб топилди. Уларнинг 10 нафари хотин-қизлардир.

Ҳоким ёрдамчиси лавозимига ташаббускор, муқаддам ўз соҳасида муваффақиятга эришган тадбиркорлар, ижтимоий ва бошқа соҳаларда молия-иқтисодий йўналишларида фаолият юритаётган ислохотчи мутахассислар, қишлоқ ва маҳалла раислари ўринбосари лавозимига ишлаган салохиятли ходимлар, 30 дан 40 ёшгача бўлган, бошқарувчилик лаёқатига эга хотин-қизлар саралаб олинди, — дейди Ўзбекистон Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Жиззах вилояти филиали раҳбари Эркин Холбўтаев. — Улар сафидан иқтисодий ва инвестиция комплексига кирувчи вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг республика, вилоят, туман миқёсидаги бўлинмалари етакчи ходимлари, Ўз вақтида маҳаллий ҳокимият ва иқтисодий идораларда раҳбар лавозимда ишлаган салохиятли ва ҳалол мутахассислар ўрин олди.

**Кейинги тўрт-беш йилда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган Зомин шаҳарчаси билан салкам 2,5 минг фуқаро яшайдиган "Боғишамол" маҳалласи ёнма-ён. Туман марказига туташ ушбу худуд ҳам кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Маҳаллага ҳоким ёрдамчиси этиб тайинланган тадбиркор Бобур Ҳусанов зиммасига бу борада бошланган ишларни янада жонлантириш, маҳалла раванқини кўзлаган янги ғоя ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш вазифаси юкланди.**

— Амалий ишларни бошлаб юбордик, — дейди Б.Ҳусанов. — "Яшил макон" умумийлиги лойиҳасига ҳисса қўшиш мақсадида 150 та хонадонга 10-15 тулдан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари бегараз тарқатилди. Гузар, стадион қуриш ташаббуси билан чиққан маҳаллий ишбилармонларимиз учун банкдан кредит ажратиш масаласи ҳал қилинди.



Шароф Рашидов туманининг "Равот" маҳалласига ҳоким ёрдамчиси этиб тайинланган Ҳасан Бегиев олий маълумотли иқтисодчи. Давлат бошқаруви бўйича магистр даражасига эга бу йигит муқаддам Форш тумани, шу пайтгача эса Мирзақўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган. У ҳоким ёрдамчиси лавозимдаги ишнинг равоатлик тадбиркорлар фаолияти, уларнинг имконият ва муаммоларини ўрганишдан бошлади. Худуд оқсоқоллари, ёшлар билан алоқа ўрнатди.

— Ундан кейин худуднинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлашга киришдик, — дейди Ҳ.Бегиев. — Айтиш жоизки, аҳолининг тадбиркорликни йўлга қўйиш борасидаги муаммолари, ёшларни ўйлантирадиган масалалар етарли экан. Бу борада кунга келиб тушадиган ўртача 25-30 та ариза ва мурожаатни тезкорлик билан ўрганиб чиқиш тизими жорий этилди. Қисқа муддат ичидан 10 нафар тадбиркорга қорвачилик, бадиқчилик ва кўенчиликни хонадон шароитида йўлга қўйиш учун кредит ажратилишига эриша олдик.

Ушбу маҳаллага ҳоким ёрдамчиси бош-қош бўлиб, 850 метр йўлга шағал йўқитилди, нон ва қандолат маҳсулотлари чеҳи иш бошлади, 9 нафар ёшга субсидия ва ҳомийлик маблағлари эвазига ер ҳайдаш, пайвандлаш ускуналари олиб берилди. Айни пайтда эса мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллани ўзлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммо хал қилинмоқда.

— Даромади кам оила сифатида "Темир дафтар"га киритилган эдим, — дейди шу қишлоқда яшовчи Зухриддин Исроилов. — Яшаш шароитимни яхшилаш, оилам фаровонлигини таъминлаш учун кўп вақтдан бунён тижорат банклари эшиги олдида сарсон бўлдим, аммо ишим битмади. Қишлоғимизга ҳоким ёрдамчиси бўлиб тайинланган Ҳасанбойнинг амалий ёрдами билан "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишга эришдик. Бу маблағга бройлер жўжалар, уларга ем ва бошқа керакли маҳсулотлар харид қилдим. Энг муҳими, битта мен эмас, оиламдаги яна 3 киши иш билан таъминланди.

Мазкур тумандаги "Гулни опа томорқа хизматлари" агрокластери ҳақидаги мақола газетамизнинг аввалиги сонларидан биринчи эълон қилинган эди. Шу кластер раҳбари Шарофат Нориева "Олмачи" маҳалласига ҳоким ёрдамчиси этиб тайинланди. Гарданига янги масъулият олган тадбиркор ташаббуси билан яқинда ташкил этилган кўргазмага нафақат ушбу маҳалла, балки қўшни худудларнинг ҳам кўплаб вакиллари келишди.

— Кўргазмага қўйилган маҳсулотларни кўриб ақлим шошиб қолди, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Санобар Ибрагимова. — Бу ерда асбоб-ускуна ва жиҳозни топиш мумкин. Боғ ичидан ишлатиладиган мотокультиватор ёки қўчат пайвандлаш ускунаси дейсизми, нон ва қандолат маҳсулотли пиширилдиган электр печ ёхуд чорва учун ем-хашак тайёрлаш ускунаси дейсизми — бариси бор экан. Мен 10 га яқин рўсумдаги тикув машиналари орасидан ўзим учун маъқулни танлаб олдим. Шарофат опа уни олишим учун банкдан кредит ажратилишига, кейинчалик тайёрлайдиган маҳсулотларимни ўзи сотиб олишига ваъда берди.

Бахмал туманидаги "Галпақон" маҳалласида 6 мингга яқин фуқаро яшайди. Худудда маҳалла ёнидан оқиб ўтувчи сой тошларини майдалаб, санаят, харидоригар шағалга айлантирадиган 2 та цехдан бошқа биронта ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Ушбу маҳаллага ҳоким ёрдамчиси этиб тайинланган Алишер Байтанов ишчи шу корхоналар раҳбарлари билан учрашидан бошлади.

— "Бизнинг худудимиздаги тошдан бойлик топилмас, нима учун бу ерда маҳалламиз ёшлари ишламаслиги керак", дея саволни кўндаланг қўйдим, — дейди А.Байтанов. — Мулоқотимиз натижа берди. Маҳаллабай ишчи 4 йигит цехларга ишга олинди. Қуни кеча эса Андижонга бориб келдим. У ерда "қора шаҳзода" деб ном олган, 7-8 ой туҳум берадиган хонаки товуқлар етиштирилган экан, шуларга шартнома туздик. 6 та хонадон паррандачилик соҳасида иш бошлади. Бундай лойиҳаларимиз кўп, улар ҳақида кейинроқ гаплашамиз.

Адолат учун айтиш кераки, тилга олинган масалаларнинг ажасрийати шу пайтгача ҳам турли ташкилотлар режаси ва эътиборидан турсан. Фарқи шуки, янгидан фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиларнинг ғайрат-шижоати, муаммолар ижросига дадиллик билан бош қўйиш сабаб тез фурсатда уларнинг ижобий ечим топилишига эришилди, холос.

Келтирилган далил ва мисоллар, қисқа муддат ичида амалга оширилган кўндаланг ишлар ҳоким ёрдамчиси лавозимининг ташкил этилиши оқилона иш бўлганини тасдиқлаб турибди. Янги лавозимда иш бошлаган ёшларнинг ғайрат-шижоати, ўртага ташлаётган ғоя ва лойиҳалари ушбу ташаббуснинг қўтилган натижани беришига ишонч уйғотади.

Юртимиз "Инсон қадири учун" широри остида амалга оширилиши кутилаётган янги ислохотлар оstonасида турибди. Президентимизнинг ҳоким ёрдамчилари фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кўзда тутган фармони, шу тарихий ҳужжатга ҳамомаан тарзда қабул қилинган ҳуқуқат қарори эса зиммасига келтирилган маҳаллабай ишнинг асосий қисми бўлишига умидли ёшлар парвози учун қанот бўлиши шубҳасиз...



МУНОСАБАТ

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Муҳаммади УСМОНОВ, Юрий ПУЛАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессорлари, юридик фанлар докторлари

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашни тақомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашининг мутлақо янги механизмларини жорий этишга қаратилган самарали ишлар йўлга қўйилган. Шу мақсадда "Хавфсиз шаҳар", "Обод ва хавфсиз маҳалла", "Хавфсиз худуд" каби лойиҳалар ижросига катта эътибор қаратилмоқда.

2020 йилда 4 минг 500 дан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартибот ишлари яхшилаб бораётгани, фуқароларда қонунларга итоат шаклланиши, аҳоли тинчлиги ва оқсоқалликка жиддий эътибор қаратилгандан далолат беради. Аммо айрим маҳаллаларда жиноятлар сони ошгани бу борадаги фаолият самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатади.

Фармонда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги концепцияси, 2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси, ушбу стратегия бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йилдан бошлаб ҳар йили манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тадбирлари белгилангани алоҳида диққатга сазовор. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатининг Миллий гвардияга берилиши, туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш, маҳаллаларда профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг мақбуллаштирилиши жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.



Ушбу концепциянинг асосий мақсади аҳоли тинчлиги ва оқсоқалликни таъминлаш, фуқароларда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш, "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойилини амалга ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ахллий тизимини ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиб ва тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлинмаларининг касбий тайёр-

лигини юксалтириш асосида амалга оширилади.

2021 йил 12 февраль куни Президентимиз раислигида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласида Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йўналиши баёнида қримноген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда жиноятчилик сабабларини илмий диагноз қилиш асосида аниқлаш ҳамда сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари учун "Фуқаробой" ишлаш методикасини яратиш вазифаси қўйилган эди.


Шунингдек, фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган объектлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, жумладан, оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлашга ёрдам беради. Қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, чет давлатларнинг расмий вакиллари, олий даражадаги хоржий делегацияларни қўтиб олиш ва кузатиб қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини иштирокидаги тантанали тадбирларда расмий маросимларни ўтказиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш каби вазифаларни ҳал этишга кўмак беради.

Шу билан бирга, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг мустахкам, замон талабларига мослашувчан бўлган самарали механизмни яратиш, ўз навбатида, мазкур фаолиятнинг назарий асослари таҳлил этилишини таъминлаш, шу маънода, Жамоат хавфсизлиги асослари фанининг киритилиши бу йўналишда сифатли қадрлар тайёрлашга хизмат қилади.





# Алишер Навоий паваллудинини 580 йиллиги



**Ҳазрат Алишер Навоийнинг бутун умри теурийлар салтанатида, унинг ўзи "Вақфия" асариде ёзганидек, йигитлик гулшанининг бахори Ҳусайн Бойқаро хизматида ўтди. Теурийлар сулоласининг энг сўнги, кучли, уюшган давлатини тузган Ҳусайн Мирзога Навоийчалик азиз, мўғтабар, жонкуяр инсон бўлмаган. "Вақфия"да ўқиймиз: "... менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари ул ҳазрат (Бойқаро) нинг хизмати бахориде очилди ва йигитлигим ашжорининг шукуфа (дарактининг гуллари)лари даги ул Ҳазрат мулозматида ҳавосиде сочилди ва ул гуллардин кўп мақсуллар навбоси (меvasи) ҳаётим комин баҳраманд этти".**

Шариатга амал қилган шох адолат сояси билан гуноҳга йўл қўймаслиги, ҳар қандай нафсий ишлардан ҳазар қилиши, яхшига яхши, ёмонга ёмон муносабат билдириб, инсонни инсондан, нияти бузуқ, нопок одамни софдилдан ажрата олиши шарт. Навоий асосий ниятга ўтади. Фарзанд дунёда ҳеч вақт ранжу алам кўрмайди, қачонки ўзини мурид, отани пир деб билса, ҳар ишда унинг ҳукмига илоат қилса.

**Зода муриду отани пир бил, Ҳар ишида ҳукмига таъсир бил. Бўлма бу пир олида тақсирлик, Истар эсанг давлат ила пирлик.**

Аслида давлату молу мулк ҳам, салтанату иззат-икром ҳам ота дуосидан. Навоий мақолат ҳикоятда устозу шогирд, пир мурид, ота ва ўғил Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср ҳақида воқеани келтиради. Бу ҳикоят тожу тахт бевафолигию умр ўткинчилиги, давлатни бошқаришдаги адлу инсоф ва фарзандлик бурчи каби фикрларнинг исботи янглиг кўзга ташланади.

"Рисолаи кудсия", "Фасл ул-хитоб" асарлари муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси (ўринбосари) эди. Бир куни у Хожа ҳузурларига келиб, эшик та-

тожу тахт талашуви, отани ўғилга, акани укага қилич ўқалтирган фожиани кўтариб чиқади.

Ҳўш, таъкира, маноклибарда Хожа Порсо ва Хожа Абу Наср ҳақида нималар қайд этилган? Хожанинг ҳажга бориш воқеаси тарихий факти? "Рашаҳот"да ҳам, "Насоийм ул-муҳаббат..."да ҳам қайд этилишича, Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг илмларидан баҳраманд бўлган соҳибқаромат шайх. Шохи нақшбанд бутун хожагон тариқатини унга топиширган. Хожа Нақшбанд Ҳижоз йўлида касал бўлганида унга бундай деган: "Тариқат хожаларидан бизга ҳар қандай ҳақ ва омонат етган бўлса ва бу йўлда нимаки топган бўлсак, ўшал омонатни сенга топиширик, чунончи Мавлоно Ориф (Дегароний қ.с. Нахшабда бўлган) топишириганда қабул қилганинг биздан қабул қил ва Аллоҳ халқиға етказ!"

Хожа Порсонинг ўғли Хожа Ҳофизиддин Абу Наср ибн Муҳаммад Ҳофиз Бухорий шариат илми ва тариқат одобини отасидан ҳам баландроқ юга олиб чиққан, айрим масалаларда отасидан-да зиёда бўлган. Навоий ёзади: "Ва алардан сўнгра (Хожа Порсадан кейин) аларнинг ўрнида самаралари шаҳраи таййибалари Хожа Ҳофизиддин Абу Наср Муҳаммад ибни Муҳаммад Ҳофиз Бухорий эрдик, улуми шариат ва русуми тариқат поясин бузургвор отасига етқуруб эрди ва вужуд нафийи ва

унинг буюк асари, Жомий асарлари билан бир қаторда даврининг беэаги ва улар давр подшоҳининг фаҳри эди".

"Хамса"нинг ҳар бир достониде Навоий дўсти Бойқарога алоҳида боб бағишлайди. "Ҳайрат ул-аброр"да у адолатпарвар, халқсевар шох, кўнгли биллилар гавҳарининг қони, қўли саҳоят "ганж-рез", шоху гадога баробар зот сифатиде тасвирлана, "Фарҳод ва Ширин"да шoir ҳарфий санъатлардан фойдаланиб, Бойқаронинг исмини назм ипиға тизади. "Лайли ва Маҷнун"да салтанат ажининг чароғи, адлу эҳсон қуёши, чавгон ўйинининг моҳири, "Сабъаи сайёр"да эса юзи шоху, ичи дарвеш, пашшага ҳам озор бермайдиган, зарур вақтда нафсини жиловлайдиган ҳукмдор бўлиб гавдаланади. "Сади Искандарий"да Ҳусайн Бойқаро шариат қоидаларини бажарувчи, жаҳон дуржининг ноёб гавҳари, халққа ширин сўзи билан тириклик сувини ичтирувчи замонасининг Искандаридир. Агар Искандарга ҳақимлар кўмак берса, бунга "ҳакими азал" — Ҳақ толо ёрдам беради.

Бироқ Навоий ўз дўстининг ёлгон-яшиқларига ишониб, нотўғри ҳукмга келишидан ранжиган. Худди шундай бўлди ҳам. Унинг катта ўғли Султон Бадиуззамон Астробод ҳокими эди. Ҳисорда бўлган урушда у отасига кўмак келади ва тахтни ўғли Мўмин Мирзога топиширади. Урушда галаба қозонган, Бойқаро катта ўғлига Балхи, Астрободни суякгли Музаффар Мирзога тортик қилади. Бундан гавзаланган Бадиуззамон ўғли Мўмин Мирзога чопар юбориб, тахтни бермасликни буюради. Навоий бу воқеалар қандай дахллатли оқибатларга олиб келишини фаҳмлаб, 1497 йили сулҳ тузиш учун Балхага боради. Шoir бу вазифани ҳадди аълолида бажаради. Бироқ Ҳусайн Бойқаронинг бебурдлиги масалани яна чағалаштиради. Гап шундаки, Навоий Балхага жўнаган, Ҳусайн Мирзо одамларига Султон Бадиуззамонни хуфёна ҳибсга олиш ҳақида шайрин буйруқ беради. Бу фармон шажоданинг қўлиға тушади ва у ҳар қандай сулҳдан воз кечади. Бу вақтда Музаффар Мирзо Астрободни эгаллаб, жиғини Мўмин Мирзонини банди этиб, Ихтиёрдини қалъсига жўнатади. Вазиятдан фойдаланган Хадичабеғим Низомулмулк ёрдамида кичик шажодани улдириш тўғрисидаги фармонга қўл қўйдиради ва тезде икром эттиради. Мўмин Мирзонинг ўлими теурийлар салтанатининг ҳақиқий таназзулидан нишонча эди.

Устоз Садриддин Айний Ҳусайн Бойқаронинг мардлиги, жасурилиги билан бир қаторда унинг ичкилик муккасидан кетишини "Сабъаи сайёр"даги Баҳромга ўхшатади. Бойқаро Навоий далоятли билан бўлса ҳам мамлакатни аввалига адолату интизом билан бошқаради. Аммо айш-ишрату ичкиликка берилиб, яхши сифатларини йўқота бошлаган, мамлакатда, салтанатда парокандалик юз беради. Ҳаттоки теурийлар салтанатини чилпарчин қилган Шайбонийхон "пайғамбар вақтидан бери ҳали ер юзи Ҳусайнчалик ақлли, маърифатли подшоҳни кўрган эмас", деб юксак баҳо беради.

Хуллас, Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да ҳар қандай тожу тахт, бойлик, сарватманчилик Аллоҳдан берилишини таъкидлаб, отани Ҳақ ўрнида кўради.

**Кўрмагансен йўл аро ранжу надам, Ҳар қадаме ўрниға кўсанг қадам,** Ҳақиқати теурийлар салтанатининг чилпарчин қилган Шайбонийхон "пайғамбар вақтидан бери ҳали ер юзи Ҳусайнчалик ақлли, маърифатли подшоҳни кўрган эмас", деб юксак баҳо беради. Хуллас, Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да ҳар қандай тожу тахт, бойлик, сарватманчилик Аллоҳдан берилишини таъкидлаб, отани Ҳақ ўрнида кўради.

## ДАВРНИНГ БЕЗАГИ ВА ФАХРИ

**Нодир ГАФФОРОВ,** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

**Зоти назоҳатда малоик сифот, Пок сифоти била йўқ ҳеч зот. Зоти башар, лек сифоти малак. Балки сифоти била зоти малак.**

Навоий уқтирадики, таъби баландлик — манманлик, гердайиш элга ҳам. Ҳаққа манзур эмас. Шаҳзода-да мана шу кеккайишдан асар ҳам бўлмаслиги шарт. Навоий айтганидек, умр — вафосиз, давлат, мол-мулк, тожу тахт бақосиз. Ҳаёт кўз очиб юмгунча ўтади. Бу дунёдаги барча нарсалар сароб. Жумлаи жаҳон фоний. Фақат барча нарсани берувчи ва олувчи Ҳақ таоло боқий. Шу боис, Тангри таоло билан бирга бўлиш шаҳзодалар иши. Агар шох ёдидан огоҳ бўлмаса, у Ҳақни билган гадодан ҳам баттар. Навоий шох ва гадони бир-бирига қарши қўйиб, тазод санъатидан унумли фойдаланади.

**Бўлмаса ҳақ ёдидин огоҳлик, Билки гадонликча эмас шохлик. Бўлса гадо тенгеридин огоҳлик, Бордур анга икки жаҳон шахлиги.**

Шоҳга галаба ёр бўлса, бу унинг билаги кучидан эмас ёки бир мушкулот тушиб, омади келмаса, бу унинг толеи эмас, Худонинг марҳаматидир.

**Шахлиғинга айламағил эътибор, Ҳақ газабу лутфига қил эътибор.**

Яъни Ҳақни унуттиш, мол-мулк, салтанатга маҳв бўлиш, фикс-фасодга учиб, отага қарши чиқиш, демакки, Ҳақ газабидан кўрмаслик — нафсининг белгиси. Агар Аллоҳ хоҳласа, шаҳзодини тахтири, бутун эл-улусни амрига мунтазиб этади.

**Сангаки Ҳақ лутф эътибор тожу-тахт, Қилди қаромат ўкуш иқболу бахт.**

Навоий Султон Бадиуззамонга шарт қўяди: агар ўз мақсадинг сари интилсанг, ишингда шарият тариқини шoir айлаб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам йўлидан оғишмай бор, адолатли, тўғри сўз, инсофли бўл.

**Истар эсанг мақсади аслиға юз, Жоддаи шаръи Муҳаммадин туз.**

**Шаръ тариқини шoir айлагил, Адл ила мулкунгга мадор айлагил.**



ғида анча туради. Тасодифан кўчага чиққан канидан Хожа "кўчадаги ким", деб сўраганларида, у "бир порсо йигит", деб жавоб беради. Ҳазрати Нақшбанд ўша кундан бошлаб уни "порсо" деб атайдилар. "Порсо" тақводор, художой маъноларини англатади. Ҳикоятда тасвирланишича, унинг кашфи изи кенг гўмбаз, ўзи эса нодираи асп, поқдомонлик ва тақводорликда замонанинг ягонаси.

Навоий яна мақолатдаги ота ва ўғил масаласига қайтади.

**Ё раб, ул омину дуо ҳурмати, Ё ул ўғил бирла ўто ҳурмати.**

**Ким бу ато бирла ўғлуни мудом, Давлату дин тахтида тут мустадом.**

Яъни, эй Аллоҳим, шу омину дуо ҳурмати ёки "ул ўғул" — Хожа Абу Наср ва "АТО" — Хожа Порсо ҳурмати бу "ато бирла ўғил"ни Ҳусайн Бойқаро ва Султон Бадиуззамонни давлати дин тахтида ҳам-иша абадий қил. Ҳикоят охирида Навоий соқийга мурожаат қилиб:

**То бўлайин масту сабоҳу масо, Нега риё бирла бўлай Порсо,**

дейди. Агар "порсо" сўзининг биринчи маъноси Хожа Муҳаммадга ишора бўлса, иккинчиси ёмон, риё ишлардан ўзини сақловчи художўйдир.

Демак, Хожа Порсо ва унинг ўғли Абу Наср ҳақидаги ҳикоят панд-насихат доирасидан чиқиб, сиёсий тус олган. Биргина шу воқеа баҳонасида Навоий теурийлар салтанатини инқирозга олиб борган

**Гар унсоф боисдурру фазлу камол, Олами инсоф аро беқилу қол.**

Агар "Лисон ул-тайр"да биргина инсоф мисолида Хожа Порсо ва Хожа Абу Насрининг Ҳажга бориш воқеаси тасвирланса, "Ҳайрат ул-аброр"даги хикоятда Навоий ота ва ўғил орасидаги мурасоаслик, пир муридлик тарихат йўлини тутмаслик, дунё бойлиғига кўнглик бермай, Ҳақ йўлини, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам тариқини маҳкам тутиш каби гоғларни бир-бирига боғлайди.

Яна бир муҳим масалага ойдинлик киритиш керак. "Ҳайрат ул-аброр"даги мақолатда Навоий теурийлар салтанатини, хусусан, Ҳусайн Бойқаронинг хаддан зиёд танқид қилмоқчи эмас. Балки, баъзи бир иллатларни кўрсатган, холос.

Ҳусайн Бойқаро Навоий учун раҳнамо, дўсти жонкуяр, ҳомий, ҳар ишда қўлловчи, шoir яратган ҳар бир асарни жамлаш, кўчиртириш, асраш-авайлашга жонбежлик қилувчи шох. Устоз Иззат Султонов ёзганидек, "Ҳусайн Бойқаро учун Навоий ва

### БАҒРИКЕНГЛИК

## ҚУВОНЧ ВА ШОДЛИКЛАРГА ТўЛА ЮРТ

**Ижтимоий ҳимояда Меҳрибонлик уйлариининг аҳамияти бекиёс. Бирок фарзанд тарбиясида жамиятдаги ҳеч бир институт оила ўрнини босолмайди.**

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг жорий йил 9 августда қабул қилинган "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгилашган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўз вақтида чиққан муҳим ҳужжат дейиш мумкин.

Мақур қарор билан Меҳрибонлик уйларидаги болаларнинг оила муҳитида тарбияланишига кўмаклашиш, уларни биллими, ватанпарвар инсонлар қилиб камол топиришига қаратилган янгилаш тизим яратилди. Давлатимиз раҳбарининг юксак инсонийлик гоғларига йўрилган ушбу ташаббуси, эътироф этиш кераки, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, тақдир тақозоси билан ота-онасидан айрилган болаларни ўз оиласи бағрига олмакда.

Ҳўжайли туманидаги 1-Республика меҳрибонлик уйида шу кунга қадар

116 нафар бола тарбияланаётган эди. Юқорида номи қайд этилган ҳужжатга асосан, тарбияланувчилар учун Орлобуйда жами 13 та оилавий болалар уйи ташкиллаштирилди. Болаларнинг ота-она назоратида, оила шароитида тарбия олишига имконият яратилди. Ҳўжайли туманидаги Мақсет Қарлибоев ва Гулчехра Назаримбетова оиласи Нина Лили фарзанд қилиб олди.

— Ўз оиланг, ота-онанг бўлиши қандай яхши. Энди мактабга бошқа тенгдошларим қатори ўз уйимдан катнаймаман, — дейди Нина Ли биз билан суҳбатда. — Ойим олдин Меҳрибонлик уйида ишлаган. Жуда меҳрибон ва яхши она. Уша пайтларда ҳам оий деб қақирдим. Келажакда кураш буйичча чемпион бўлиб, ота-онам мени ўз оилаларига олиб, хато қилмаганини исботламоқчиман.

Куни кеча масъуллар бу оилага ташриф буюриб, 14 ёшга тўлган Нина Лилини тижорат банкиде омонат очилгани тўғрисидаги сертификатни топишириди. Бундай омонатлар оилаларга берилган ҳар бир болага очилиб, уллар 18 ёшга тўлганга қадар муайян фоиз миқдориде қўлайли боради ва ушбу сармоса келажакда боланинг ўқиб билим олиши учун сарфланади.

Ҳўжайлилик Амангелди Атамуратов ва Садоқат Бозорбоева оиласи эса 2 қиз ва 4 ўғилни ўз тарбиясига олди.

— Меҳрибонлик уйида бўлган вақти-мизда укаларим — Бексултон ва Бақвелди доим мендан ота-онаним қачон келадиде, деб сўраб, ҳоли жонимга қўймасди. Уларни қандай юпатишини уйлардим, лекин саволларига жавоб тополмасдим. Ўзим эса бу саволни кимга беришни билмасдим, — дейди Муҳаммадҷон Сатимбоев. — Мана, энди бизнинг ҳам ўз оиламиз бор. Укаларимнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Ота-онамиз ёнидан бир қадам ҳам силжишмайди.

Оила бекаси Садоқат Бозорбоева шу пайтга қадар Меҳрибонлик уйида ишлаган. У ердаги болаларнинг дардини, қай-гусини яхши ҳис қилади. Уларнинг барчаси ўз фарзандларидек бўлиб кетган.

— Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, 6 болани қарамоғимизга олишига қарор қилдик. Болаларим кўп бўлишини чин дилдан истардим. Мана, орзуим ушалди, — дейди уй. — Ҳўзир болаларим доимо ёнимда. Уй вазифаларини бирга тайёрлаймиз. Қизларим ҳам бири биридан ширин. Бахтимизга кўз теғмасин, қувончим чекмас. Болаларимизга қўлдан келганича эътибор беришига, уларни келажакда ҳўнарли, биллимли ва элга фойдаси теғадиган инсонлар қилиб тарбиялаш бор меҳримизни берамиз.

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласи Иккинчи жаҳон урушининг ўта қийин ва оңарчилиқ даврида Ўзбекистонга келтирилган турли миллатга мансуб 14 нафар болани боқиб, вояга етказганиларини халқимиз жуда яхши билади. Бундай бағрикенглик, мардлик,



қаҳрамонлик намунаси Президентимиз ташаббуси билан бугун ҳам давом этаётгани қувонарли.

"Ер юзидан жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан гурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда", дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

Дунёда яхшилар кўп. Яхшилари кўп бўлган юрт эса қувонч ва шодликларга тўла. Болаларимиз ҳеч қачон ота-она меҳридан айрилмасин. Ўзини ҳар бир бола ота-она меҳрини ҳис қилиб, оилада улғайишга ҳақли.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,** "Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир:

**Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 4041. 75974 нусхада босилди.

**Ҳажми** — 4 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулчехра Дурдиева  
Мусаҳҳиж: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўа Яқа нуни — 00:30 Топириди — 01:25